

Камолиддин Беҳзод таваллудининг 565 йиллиги муносабати билан  
ўтказилган халқаро симпозиумдаги нутқ (Тошкент, Фотосуратлар уйи 2020 йил 14  
октябрь)

Ҳамид НАЙИРОБОДИЙ  
Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги  
Фавқулодда ва Мухтор элчиси

### ***Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим***

Сўзим аввалида ушбу анжуман ташкилотчилари ва иштирокчиларига ўз миннатдорчилигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Эътироф этиш лозимки, санъат бутун дунё халқлари учун умумий бир тил ҳамда инсоният цивилизациясининг энг гўзал ҳодисаларидан бири бўлиб, рассомчилик санъати ушбу гўзалликни энг яхши бир шаклда ўзида мужассам этади. XV-XVI асрларнинг атоқли рассоми Камолиддин Беҳзоддан мерос қолган асарлар бунга яққол далиллар.

Беҳзод ўтмиш аждодлар меросидан фойдаланган ҳамда ўзигача ўтган санъаткорларнинг асарлари ва ютуқларидан хабардор бўлган ҳолда, шунингдек, ўз даврининг интеллектуал муҳити, ўзининг Амир Алишер Навоий маданий-ижодий уюшмасига қарашлилиги ва Абдураҳмон Жомий билан бўлган муносабатлари натижаси ўлароқ ҳосил бўлган идеалистик ва гуманистик дунёқараши туфайли маданий меросни ўз даврининг муаммолари ва талаблари, ўзига хос юксак ғоявий асослар ҳамда индивидуал ижодга оид янги усуллар билан боғлаш учун янги йўлларни топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Унинг миниатюра соҳасига киритган янгиликлари ирфон, ҳақиқат, адабиёт, табиат ва реаллик билан боғлиқ равишда шаклланди. Булар янги усуллар бўлиб, Камолиддин Беҳзод уларни икки йўналишда – ишлов бериш ва техникада, мавзулар ва мазмунларда қўллашга муваффақ бўлди.

Гапнинг индаллоси шуки, Камолиддин Беҳзодни ўз даврининг новатор, ташаббускор ва ростгўй даҳоси деб ҳисоблаш мумкин. У ўз давридаги жараёнларга мутаносиб равишда ҳамда турли халқлар санъатлари хусусиятларидан фойдаланган ҳолда, миниатюра санъатида янги бир услуб яратди ёхуд адабиёт, ирфон, антропология ва жамиятшунослик билан чамбарчас боғлиқ бўлган миниатюра санъати томон янги ва муҳим бир эшик очди.

Камолиддин Беҳзод Эрон, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг дўст ва биродар халқларини бир-бирига боғлаб турадиган ҳамда ушбу уч мамлакат санъаткорлари ва халқ оммаси томонидан улуғланадиган улуғ шахслар жумласига киради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, ушбу атоқли шахснинг таваллуд тўйи келгуси йилда мазкур уч мамлакатнинг маданият ва санъат ахли томонидан биргаликда ўтказилишини таклиф қиласман.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.